


“The Economic Times”: Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкори – Ўзбекистон COVID-19 таъсирини камайтириш бўйича қатор чора-тадбирларни таклиф қилмоқда

“The Economic Times”: Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкори – Ўзбекистон COVID-19 таъсирини камайтириш бўйича қатор чора-тадбирларни таклиф қилмоқда



Ҳиндистоннинг етакчи нашрларидан бири «The Economic Times» газетасида Ўзбекистонда коронавирус пандемиясига қарши чора-тадбирлар таҳлили бўйича мақола чоп этилди, деб хабар бермоқда «Дунё» ахборот агентлиги мухбири.

Мақола муаллифи Дипанджан Чаудхури мақолада Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги яқин ҳамкори ва минтақада Деҳли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга Ўзбекистонда COVID-19 пандемияси даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлайди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ва пандемиянинг иқтисодиётга энг кўп таъсир кўрсатаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш бўйича умумий иқтисодий чора-тадбирларни ўз ичига олган мажмуавий ёндашув режаси қабул қилинди.

«The Economic Times» газетасидаги мақолада таъкидланганидек, Инқирозга қарши кураш жамғармаси пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи миллий қадам бўлди. 17 июнь ҳолатига кўра, жамғарма тушумлари 7,44 триллион сўмни ташкил этди.

Ушбу маблағлардан:

43 фоизи иқтисодий қўллаб-қувватлашга, жумладан, иссиқлик электр станциялари, минтақавий электр, нефть ва газ тармоқлари, ҳаво транспорти ва резина саноатига;

6 фоизи мамлакат Санитария-эпидемиология осойишталик агентлигига тест тизимлари, реактивлар ва химоя воситаларини сотиб олиш, дезинфекция харажатлари, махсус жиҳозларни сотиб олиш учун ажратилди;

5 фоизи сув таъминоти ва суғориш учун;

9 фоизи шифохоналар ҳамда карантин мажмуаларини қуриш ва жиҳозлашга сарфланди.

Мақолада, шунингдек, мамлакатда норасмий сектор ривожланишига кўмаклашиш борасидаги маълумотлар келтирилиб, бунинг аҳамияти шундай изоҳланади: “Норасмий секторда бандликни қўллаб-қувватлаш ва қўшимча иш ўринлари яратиш чоралари кўрилди. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистонда меҳнат бозорида банд бўлган 13,5 миллион аҳолининг 7,8 миллиони ушбу соҳада ишлайди, шу жумладан 2,6 миллиони меҳнат муҳожирларидир. Шу сабабли норасмий секторда пандемия ва инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш янги иш ўринлари яратиш, бозорда талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ажойиб имконият ва захира сифатида қаралади”.

Муаллиф Дипанджан Чаудхури Ўзбекистон Президенти бандлик ва даромадлар кескин пасайишининг олдини олиш учун қатор муҳим ташаббусларни илгари сургани ҳақида ўз ўқувчиларига маълумот беради.

“Булар ўз-ўзидан иш билан банд фуқаролар учун тадбирлар рўйхатини кенгайтириш ва қонун билан тақиқланмаган тадбиркорликнинг барча турлари учун рухсатномалар бериш (85 турдаги фаолият), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш (маҳсулотларни етказиб бериш, экспортга йўналтирилган савдо ва хизматларни ташкил этиш), тадбиркорлик субъектларига хизматлар кўрсатиш учун мақбул имкониятларни яратишга хизмат қилади”, дея изоҳлайди ҳиндистонлик мухбир.

Нашрдаги мақолада, яна бир жиҳат – мамлакатда ижтимоий нафақалар ва молиявий ёрдам тақсимотини кенгайтириш чоралари ҳақида сўз боради. Хусусан, март ойида имтиёзлар ва молиявий ёрдам олувчилар сони 10 фоизга ортиб, кейинчалик тайинланган имтиёзлар ва молиявий ёрдамнинг автоматик узайтирилиши натижасида улар сони 1,2 баравар (596 мингдан 719 минггача) кўпайгани айтиб ўтилади.

Нафақахўрларни, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексаларни ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилгани, ушбу йўналишдаги энг муҳим қадамлар сифатида ишлайдиган пенсионерларга бир вақтнинг ўзида икки ойлик пенсия олиш имконияти берилгани эътироф этилади.

Пандемия шароитида аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламига кўмаклашиш бўйича Ўзбекистон миллий тажрибаси, Президент ташаббуси ҳақида қуйидагиларни қайд этади:

“Карантин пайтида вақтинча ишсиз, даромадларини йўқотган фуқароларни истеъмол моллари, дори-дармон ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси ташкил этилди. Тошкент ва вилоятлардаги озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун махсус павильонларда ёрдам олиш учун самарали ишлайдиган тизим яратилди. 10 июнь ҳолатига кўра, 194,6 миллиард сўмлик хайрия маблағлари «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Саховат ва кўмак» жамғармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилган. Бугунги кунга қадар 300,4 мингта кам таъминланган оилага 119 миллиард сўм молиявий ёрдам кўрсатилди”.

Ўзбекистон Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий химояга ва ёрдамга

муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармониға мувофиқ 650 мингдан ортиқ оилаға давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатилади. Жумладан:

- пандемия вақтида ёрдамға муҳтож аҳоли рўйхатиға киритилган 400 мингдан ортиқ оилаға республика бюджетидан қарийб 38 миллион;

- Қурбон ҳайитини нишонлаш муносабати билан бир миллионға яқин фуқароларға «Саховат ва кўмак» жамғармасининг маҳаллий бўлимлари орқали 38 миллион долларлик моддий ёрдам, озиқ-овқат ва дори-дармонлар берилади;

- диний соҳа вакилларини молиявий рағбатлантириш сифатида республика бюджетидан 15 миллион доллар ажратилади;

- шошилиш тиббий ёрдам бригадаси ишчиларига (шифокорлар, парамедиклар, буюртмачилар ва ҳайдовчилар) молиявий ёрдам сифатида 10 миллион доллардан кўпроқ маблағ ажратилади. Ушбу маблағлар 26 минг оилаға тақдим этилади.

Бундан ташқари, йил охириға қадар ижтимоий нафақа олувчилар сонини 1,2 миллионға етказиш режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан 42,6 миллион доллар миқдоридан маблағ берилади.

Давлат томонидан озиқ-овқат нархлари кўтарилишининг олдини олиш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур ҳажмини захиралаш бўйича тегишли чоралар кўрилди. Давлат захираларини бошқариш қўмитаси импорт учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати ва миқдорини тузди. Ижтимоий аҳамиятға эға озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ва сунъий нархлар кўтарилишининг бозорлари сунъий танқислик ва ҳаддан ташқари талабнинг олдини олиш учун ҳар куни назорат қилинади. 13 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, 7 турдаги гигиена воситалари импортиға божхона тўловлари ва акциз солиғи ноль ставкаси бўйича белгиланди.

Дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигида мавжуд ер, ресурс ва имкониятлардан фойдаланишға замонавий ёндашувларни жорий этиш, ерларни ижараға бериш ва уларни аҳоли ўртасида маҳсулот етиштириш учун қулай шартларда тақсимлаш, экинлар сонини икки баравар ошириш юқори ҳосил олиш ва янги иш ўринларини яратиш механизмиға эҳтиёж бор, дейилади нашрдаги мақолада.

Маълумот учун:, 1961 йилдан бери нашр этиладиган “The Economic Times” Ҳиндистондаги энг машҳур бизнес газета ҳисобланади. Газетанинг бир марталик адади 630 минг нусхадан ошади. Ўқувчилар сони эса 800 минг кишидан кўп.

Манба